Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
5 ноябрь
ШАНБА

№ 87
(12.411)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 62 920 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 123 060 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 62 920 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 123 060 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 75 510 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2011 йил, 3 ноябрь.

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

Б. ИБРАГИМОВНИ ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими лавозимига Ибрагимов Бектемир Абдакимович 2011 йил 3 ноябрдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.

Тошкент шаҳри, 2011 йил 3 ноябрь.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Сессияда илгари Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган Бектемир Абдакимович Ибрагимов Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

ТАРАДДУД

ТАЪМИНОТ ТИЗИМИ МАВСУМГА ШАЙ

Оҳангарон туманида аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларда ичимлик суви, табиий газ ва электр таъминоти барқарорлигига эришиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Туманда республика Президентининг шу йил 11 июлда қабул қилинган "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011-2012 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори изчил амалга оширилмоқда.

– Куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди, – дейди туман "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси бош муҳандиси Зукрулло Умархонов. – Айни пайтда корхонамиз 14 мингга яқин истеъмолчига хизмат кўрсатмоқда. Бу йил сув қувурларининг 2,17 километри мукаммал таъмирланди, 9,2 километри жорий таъмирдан чиқарилди. 10 та сув насоси ва 3 та электр трансформаторлари таъмирланиб, мавсумга шай қилиб қўйилди.

СУРАТДА: "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси бош муҳандиси Зукрулло Умархонов ва чилангар Баҳодир Ёров иш устида.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, матбуот ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

2011 йилнинг тўққиз ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаевнинг "Жорий йилнинг учинчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда йил якуни учун белгиланган режаларни бажариш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва соҳаларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ахбороти тингланди.

Йиғилиш қайд этдики, ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот 9,3 фоиз кўпайишига эришилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 16,9, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 7, пудрат ишлари ҳажми 31, чакана савдо 21,3, хизмат кўрсатиш 15,3, капитал қўйилмалар 36,9 фоиз кўпайди. Иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари ажратган 463,1 миллиард сўм кредит 303 та ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириш имконини берди. Тўққиз ойда 1605,7 миллион долларлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,2 фоиз кўп маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди. Ҳудудий экспорт улуши 2010 йилдаги 17,5 фоиздан 31 фоизга кўтарилди.

Лекин фаоллар асосий эътиборни айрим соҳаларда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни таҳлил қилиб, уларни тезроқ бартараф этиш масалаларига қаратишди. Бир қатор шаҳар ва туман ҳокимларининг бу хусусдаги ҳисоботлари тингланди. Ҳисобот даврида саккизта асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг Қуйи Чирчиқ ва Янгийўл туманларида олтитаси, Бўка, Пискент ва Оҳангарон туманларида тўрттаси бўйича белгиланган башорат кўрсаткичлари бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Баъзи шаҳар ва туманларда йирик ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш лойиҳалари бажарилмаганлиги оқибатида 3,7 миллион доллар ҳамда 3,6 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилмай қолди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалик ишлари якунлари, 2012 йил ҳосили учун агротехника тадбирларининг бажарилиши, 2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда янги уй-жойлар қуриш массивларига муҳандислик коммуникациялари ўтказиш юзасидан масъулиятни кучайтириш, уй-жойлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш даврига тайёрлиги, картошка, мева-сабзавот маҳсулотларини жамғаришга доир ахборотлар ҳамда шу масалалар бўйича қатор шаҳар ва туман ҳокимларининг ҳисоботлари ҳам тингланди.

Фаоллар йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Элёр Ғаниев иштирок этди.

МУРУВВАТ

УЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАСЛАР

Тўрт мучаси соғ болагаки, эътибор зарур экан, табиатнинг аёвсиз синовларига дучор бўлган қалбию жисми кемтик болажонлар ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳам айтса айтгудек. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кўпгина хайрли ишлар – ёш авлод тақдирига масъуллик ва жавобгарлик ҳиссига асосланган.

Республика "Инвестиция дастури"га кўра вилоят ҳокимлиги қабул қилган қарор асосида Қибрайдаги вилоят руҳий аномал болалар уйини қайтадан қуриш, реконструкция қилиш ишларига 617 миллион сўм ажратилди. Қисқа муддатда янги қиёфа касб этган болалар уйи замонавий жиҳозлар – мебель, ётоқхона, ошхона, даволаш, уқалаш, жисмоний машғулотлар ўтказиш хоналари анжомлари билан бойиди. Вилоят ҳокимлиги, "Сен ёлғиз эмассан" республика болалар жамоатчилик фонди ва вилоят тадбиркорлари ҳомийлигида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган масканда тарбияланувчилар бошқа болалар каби имкон даражасида рисоладагидек ҳаёт кечиришлари мумкин. Болажонлар тепасида парвона бўлаётган мураббий ва тарбиячилар, тиббиёт илмидан хабардор тажрибали шифокор ва ҳамширалардир. Уларга бош-қош бўлаётган тиниб-тинчимас раҳбар, олий тоифали шифокор Гулнора Тўхтаназарованинг мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланганлиги ҳам бежиз эмас.

(Давоми 2-бетда).

БАЁНОТЛАР БИЛАН АМАЛИЙ ИШЛАР БИР-БИРИГА ЗИД КЕЛГАНДА

"Ховар" агентлиги 2011 йил 26 октябрь куни Тожикистон Республикаси ҳукуматининг Роғун ГЭСи қурилишидаги ишларнинг боришига оид расмий баёнотини эълон қилди.

Баёнотнинг асосий маъно-мазмуни Тожикистон томони Роғун ГЭСи лойиҳасини халқаро экспертизадан ўтказиш бўйича Жаҳон банки билан тузилган битимга қатъий амал қилишда давом этаётганини ва лойиҳа халқаро экспертизасининг якуний натижаларини кутмасдан Амударёнинг ирмоғи – Вахш дарёси оқимини тўсиш бўйича дастлабки босқичдаги ишларга киришмоқчи эмаслигини таъкидлашга қаратилган.

Халқаро экспертлар ишига гўёки ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаяпти, Роғун ГЭСи иншоотида амалга оширилаётган барча ишлар эса фақат таъмирлаш-тиклаш хусусиятига эга.

Келинг, аниқ фактларга мурожаат этайлик. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг мазкур баёнотида "Роғун ГЭСининг техник имкониятлари, иқтисодий самарадорлиги, экологик хавфсизлиги кўп марта текширувдан ўтказилган ва ушбу лойиҳа бирор марта ҳам салбий баҳо олмаган", деб таъкидланади. Бироқ бу ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Маълумки, Роғун ГЭСи қурилишига оид лойиҳа ўтган асрнинг 70-йиллари, яъни шўролар даврида тайёрланган ва ҳеч қандай экспертизадан, чунончи, холис халқаро экспертизадан ўтказилмаган. Объект қурилиши 1976 йилда КПССнинг XXIV съезди директиваларига мувофиқ бошланган, қурилиш бўйича ҳеч қандай муҳокама ёки тафтиш ўтказилмаган. СССР парчаланиб кетгач, ушбу объектдаги ишлар ҳам тўхтатилган. Айнан шунинг учун ҳам Тожикистон томони объектни экспертизадан ўтказиш масаласи юзасидан ҳозирги кунга қадар ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмаётир.

(Давоми 2-бетда).

Миллий матбуот марказида "Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган йиғилишда мутасадди ташкилот ва идора раҳбарлари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан саналган Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнат аҳли, айниқса ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, миллий ўзликни англаш, уларда юксак маънавиятни шакллантиришда фуқаролик жамиятининг муҳим кучларидан биридир. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг ҳимоя функцияси асосан, бандлик, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам каби йўналишларда амалга оширилаяпти.

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш, чекка ҳудудлардаги ёшлар ва аёлларни тадбиркорлик, кичик бизнес ва касаначиликка йўналтириш, уюшма ходимлари меҳнати муҳофазаси, улар учун етарли иш шароитларини яратиш масаласи муҳокама қилинди.

"Туркистон-пресс".

МУРУВВАТ

УЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАСЛАР

– Мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик сиёсати жамият тараққиёти йўлида олиб борилаётган ҳар бир саъй-ҳаракатларда намоён, – деди болалар уйининг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Вилоятимизда "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил "Инвестиция дастури тўғрисида"ги Президент қарори асосида амалга оширилаётган хайрли саъй-ҳаракатлар натижасида вилоят руҳий аномал болалар уйи бугунги кўркам кўринишга эга бўлди. Ёш авлод тарбияси йўлидаги ғамхўрликлардан ҳеч бир бола четда қолмаслиги керак. Ҳатто, имконияти чекланган бўлса ҳам. Халқимизнинг эзгулик, бағрикенглик каби хислатларини ифодаловчи "Сен ёлғиз эмассан" болалар жамоатчилик фонди ва бошқа барча ҳомийларнинг беминнат ёрдамлари туфайли бу маскан тарбияланувчиларининг дардлари ёзилиб, улғайгач, бирор ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуллана олиш даражасига етадилар деган умиддамиз.

Саховатпеша халқимиз "Савоб ишни, ҳар ким, ҳар куни қилиши керак" деган сўзларга амал қилиб яшайди. Болалар уйига тақдим этилган совға-саломлар, янги "Нексия" русумли автомашина, юқорида қайд этилган барча жиҳозлар фикримиз далили. Бу ҳақда вилоят руҳий аномал болалар уйи директори, 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори Гулнора Тўхтаназарова шундай дейди:

– Болалар уйи 100 ўринга мўлжалланган. Асосан, 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган туғма нуқсонли, ота-она қарамоғисиз парваришга муҳтож болалар тарбияланади. Уларга ҳар томонлама ёрдам, суянчиқ зарур. Давлатимизнинг бу борадаги ғамхўрликлари бошқаларга ибрат бўлса арзийди. Яратилган барча қулайликлар, совға-саломлар учун аввало Юртбошимизга, вилоят ҳокимлиги ва барча мутасадди ташкилотларга, "Сен ёлғиз эмассан" дея тез-тез хабар олиб турадиган болалар жамоатчилик фондига миннатдорчилик билдирамиз.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Япония ҳукумати кўмагида JATA сайёҳлик агентликлари ассоциацияси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмада жаҳоннинг 144 мамлакатидан 700 дан зиёд компания ва ташкилот қатнашди. "JATA Tourism Forum & Travel Showcase 2011" халқаро сайёҳлик кўргазмасида мамлакатимиз ҳам муносиб равишда иштирок этди.

Ўзбекистоннинг замонавий сайёҳлик инфратизилмаси хусусидаги атрофлича маълумотлар, халқ амалий санъати, гўзалликда бетакрор ўзбек ҳунармандчилиги маҳсулотлари, шунингдек, мамлакатимизнинг бой меъморчилик меросини намойиш этувчи Самарқанд, Хива, Бухоро, Тошкент сингари кўҳна ва навқирон шаҳарларимиз бағридаги ноёб осориатиқалар акс эттирилган ранг-баранг фотосуратлар кўргазма пештахталаридан жой олди.

Кўргазма иши доирасида Ўзбекистон вакилларининг қатор хорижий мамлакатлар туроператорлари билан амалий учрашув ва музокаралари ҳам бўлиб ўтди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон компаниялари намойиш қилган сайёҳлик маҳсулотлари, шунингдек, республикамиз сайёҳлик салоҳияти тақдимоти кўргазма меҳмонларида катта таассурот қолдирди. Уларнинг айримлари "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Япониядаги "Intourist Japan" сайёҳлик компанияси менежери Масахико Нишитай японияликларда Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чиқиш истаги ҳамиша катта бўлгани ва бу қизиқиш тобора кучайиб бораётганини айтди. У, шунингдек, айни пайтда Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари, ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари билан таништириш мақсадида "Intourist Japan" и "Nokyo Kanko" сайёҳлик компаниялари ўзаро ҳамкорликда янги сайёҳлик йўналишини ишлаб чиқаётганини маълум қилди.

"AJT Inc." япон сайёҳлик компаниясининг маркетинг ишлари бўйича менежери Акане Масаока ушбу халқаро кўргазма доирасида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўли мавзуига бағишланган симпозиуми ҳам бўлиб ўтганини айтди.

ЎЗБЕКИСТОН ТОКИОДАГИ ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИДА

Токиода "JATA Tourism Forum & Travel Showcase 2011" деб номланган халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди

Японияда "Ўзбектуризм" Миллий компаниясини намоён этувчи мазкур "AJT Inc." компанияси ҳам ушбу кўргазма доирасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини тақдим этди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон сайёҳлик фирмаларининг ушбу тадбирда фаол иштирок этаётгани хорижий мамлакатлардаги турдош компаниялар билан янги амалий алоқаларни ўрнатиш имконини берди.

Япониядаги "NHK" телерадио корпорациясининг етакчи ходими Казухи Имаджо ўзининг Ўзбекистон бўйлаб сафари чоғида орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ҳамда мамлакатимиз бениҳоя бой ва ўзига хос, бетакрор маданий меросга эга эканлигини қайд этди. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистоннинг гўзал табиати ва ноёб меъморий ёдгорликлари том маънода хорижлик сайёҳлар ақлини шоширади.

Токио Бизнес коллежининг етакчи ўқитувчиси Марико Сакай "Ўзбекистон ва Япония халқларининг дўстлик ришталари ҳамда ўзаро савдо ва маданий алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўли даврларига бориб тақалишини" айтди. У ҳам кўргазманинг кўплаб меҳмонлари томонидан Ўзбекистон сайёҳлик имкониятларига катта қизиқиш билдирилганлигини алоҳида таъкидлади. "Юртингиздаги 4 мингдан зиёд тарихий-маданий ёдгорлик мавжудлиги ва кўпгина бундай осориатиқалар ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани далилларининг ўзиёқ Ўзбекистон сайёҳлик имкониятлари нақадар улкан эканлигидан яққол далолатдир", деди у.

"Жаҳон" АА.
Токио.

БАРКАМОЛЛИК САРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ёш тадбиркорларга кредит олишлари учун кўмаклашмоқда.

ЁШЛАР УЧУН ИМКОН КЕНГ

"Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Ёш тадбиркор камолоти – қишлоқ тараққиёти кафолати" танловлари уларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларнинг ҳар томонлама юксак билим ва малакага эга бўлишларида таълим гранти, "Келажак овози", "Янги авлод" каби танловларнинг ҳам самараси яққол сезилмоқда. Ёшлар орасида шу каби танлов ва кўргазмаларда фаоллик кундан кун юксалиб бормоқда.

– Мен "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Фонд Форум"нинг энг йирик лойиҳаларидан бири – "Келажак овози" танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлдим. Танловда тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича иштирок этдим, – дейди қибрайлик Ширин Абдураззоқова.

– Ширин болалигидан интилувчан эди. У тиккан бир-биридан бежирим буюмларни кузатиб, унда шу санъат турига қизиқиш кучлилигини пайқадим ва бу касбнинг сир-асрорларини тўла-тўкис ўргатдим, – деди онаси Хусниобод Абдураззоқова. – Қизим мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, ҳозир юридик коллежда таҳсил олмоқда.

Изланиб, интилиб яшаётган Ширин Абдураззоқова сингари ёшлар учун ҳозир ҳамма имкониятлар бор. Улардан фақат ҳаракат ва меҳнат талаб этилади.

Умида ФАЗЛИДДИНОВА.

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

ЎҚИТУВЧИНИНГ БАХТИ

Ўқитувчи, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, мислсиз ранж-машаққат чекиб ҳарф ўргатувчи, дунёни танитувчи бебаҳо касб соҳиби. Бинобарин, мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилаётган эъзоз-эҳтиром бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан ёш авлод камоли йўлидаги самарали фаолияти ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун Оҳангарон туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Раҳима Давлатова "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонига сазовор бўлди.

Бу қувончли хабар нафақат Раҳима Давлатовани, шунингдек, у билан бирга ишлаётган педагоглар жамоасининг ҳам кўксини тоғдек кўтарди. Қарийб ўттиз йилдан буён ёш авлод таълим-тарбияси йўлида меҳнат қилиб келаётган муаллима учун бу даргоҳ, ўқувчилари ва касбдошлари жуда қадрли.

– Ўқитувчи фанини чуқур билса, ўз устида мунтазам иш олиб борса, кўзланган натижага эриша олади. Ўқувчига фақат билим берибгина қолмай, ҳаёт сабоқларини ҳам ўргатиб бориш лозим, – дейди Раҳима Давлатова.

Фарғонадлар камолида оилавий муҳит, ота-онанинг ўрнини беқиёс деб билган бу ўқитувчи ота-онасини биринчи устозлари деб ҳисоблайди. Ҳожар ая ва Ўринбой ота фарзандларининг ўқимишли ва зиёли бўлишларини орзу қилиб, уларни олий илм даргоҳларида ўқитди.

– Одамийлик, меҳр-оқибатни баланд тутган халқмиз, – дейди Р. Давлатова. – Эришган ютуқларимда отамларнинг ҳиссалари улкан. Биринчи устозларим Ҳуррият Деҳқонова, Умар Қўлдошев, Эргаш Мусурмонов номларини алоҳида эҳтиром билан ёдга оламан. Уларга ҳавас қилиб, ўқитувчилик касбини танлаганимдан ҳурсандман.

Ўз касбининг усталари, халқ таълими аълочилари – рус тили фани ўқитувчиси Дилором Аднаматова, 15-мактабнинг илмий бўлим мудири Равшаной Давлатовани ҳам устоз деб билган муаллиманинг ўзи бугун кўплаб ёшларга мураббий.

Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаётган Раҳима Давлатовани аҳил жамоада қатъиятли ва ташаббускор раҳбар сифатида ҳам эътироф этишади.

– Касбимни, ўқувчиларимни яхши кўраман. Ҳар бир дарсдан завқ оламан. Ўқувчиларим ҳам сабоғимни соғиниб, интиқиб кутишларига ишонаман. Бу соғинч, бу бахтни дунёларга алишмайман.

Райҳон САЛАЕВА.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

ИЗЛАНИШ КУЧАЙИБ, ҲАРАКАТ ФАОЛЛАШМОҚДА

Иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорлик ҳаракатини кучайтириш, дастурий вазифалар ижросини таъминлаш, алоҳида корхона ва яхлит ҳудудлар имкониятини тўла ишга солишда депутатлик назорати таъсирини оширишнинг аҳамияти катта. Халқ депутатлари вилоят кенгаши маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси фаолияти бунинг яққол далили бўла олади.

– Комиссиямиз иш режасида мамлакатимиз қонунлари, Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси, хусусан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат ҳамда ҳудудий дастурлари ижросини таъминлаш саъй-ҳаракати мониторингига кенг ўрин берилган, – дейди комиссия раиси Анвар Бўриев. – Ҳар бир масала комиссия аъзолари ва депутатлар томонидан чуқур ўрганилиб, жойлардаги имкониятлар аниқланиб, атрофлича муҳокама қилинаётгани яхши самара бераяпти. Бу жараёнга малакали мутахассисларни ҳам жалб қилаётирмиз.

Чунончи, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун талаблари ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат ва ҳудудий дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан Чирчиқ шаҳрида олиб борилаётган ишлар натижаси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш чоғида шундай бўлди. Шаҳарда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналар қувватини ошириш, ишламай турган корхоналарни қайта тиклаш ва ускуналарни янгилаш, кичик корхона ва микрофирмалар тармоғини кенгайтириш режалари бир мунча ичил бажарилаётгани таъкидланди. Натижада саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа соҳаларида 45 дан зиёд янги корхона иш бошлади.

Табиийки, бу саъй-ҳаракатлар иш ўринларини кенгайтиришга ёрдам бераяпти. Умуман, дастур бўйича бу йил 4858 та янги иш ўринлари барпо этилиши керак эди. Масала ўрганилган беш ой давомида 2140 та янги иш жойлари яратилди. Унинг асосий қисми ишлаб чиқариш ва қурилиш ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Кейинги йилларда Чирчиқда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган касаначилар кўпайиб, яна 236 киши шундай меҳнат билан шуғуллана бошлади.

Шаҳар ҳокимлиги тузилмалари ва корхоналарда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар босқичма-босқич бажарилаётир. Ўтган даврда бу мақсадларга 7,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган.

Лекин доимий комиссия масалани атрофлича ўрганиб, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар кенгаши белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш учун барча имкониятларни тўла сафарбар эта олмаётганлигини қайд этди. Қабул қилинган қарорда бу борадаги ишларни фаоллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Президентнинг жаҳон молия-иқтисодий танглиги оқибатларини бартараф этишга оид фармони ижросини назорат қилиш доимий комиссиянинг алоҳида эътиборида. Доимий комиссиялар ишлаб чиқиб, халқ депутатлари вилоят кенгаши тасдиқлаган манзилли дастур ижроси вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўтказилаётган мониторинг дастурда белгиланган вазифаларни жойларда тўла бажаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилаётганини кўрсатмоқда. Маҳаллий корхоналарда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,6 фоиз ўсишига эришилди. Шаҳар ва туманларда пойабзал, пайпоқ, галантерея буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайяпти. Вилоятда мева-сабзавотни қайта ишловчи иккита янги корхона ишга туширилди.

Бироқ, комиссия ишчи гуруҳлари олиб бораётган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим маҳаллий ҳокимият идоралари, хўжалик ташкилотлари дастур талабларини бажаришда жонкуярлик кўрсатмаётир. 8 та ҳудудда янги иш ўринларини ташкил этиш дастури тўлиқ бажарилмади. Доимий комиссия шаҳар ва туманларда сайёр йиғилишлар ўтказиб, маҳаллий депутатлар, ҳокимият идоралари раҳбарлари иштирокида бу масалаларни танқидий кўриб чиқаяпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб бораётган корхоналардаги муаммолар ечимига амалий ёрдам кўрсатилаётир. Олмалиқ шаҳри, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон туманларида дастур ижросининг аҳволи халқ депутатлари вилоят кенгаши сессияси муҳокамасига киритилди.

Доимий комиссия аъзолари асосий эътиборни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг республика Президенти белгилаб берган устувор йўналишларига қаратмоқдалар. Ҳозирги бирламчи вазифа ялпи ички маҳсулотни 8,3, шу жумладан, саноат маҳсулотларини 9, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 5,7 фоиз кўпайтиришдан иборат. Бу йил кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 56,5 фоизга кўтариш режалаштирилган. Бу капитал қўйилмаларни ўтган йилга нисбатан 5 фоиз оширишни тақозо этади. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг доимий комиссияси бу вазифалар сўзсиз бажарилиши учун изланишни кучайтириб, саъй-ҳаракатларни фаоллаштирмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Пойтахтимизда "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмаларининг навбатдаги ҳисобот-сайлов анжуманларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўтказиладиган ҳудудий ва республика анжуманларида жамғарманинг туман, шаҳар ва вилоят бўлимларининг ҳисобот давридаги фаолияти ҳамда маҳалла раислари сайловининг якунлари сарҳисоб қилинади.

"Туркистон-пресс".

БАЁНОТЛАР БИЛАН АМАЛИЙ ИШЛАР БИР-БИРИГА ЗИД КЕЛГАНДА

Роғун ГЭСи лойиҳаси билан таниш бўлганлар учун сир эмаски, баландлиги 335 метрлик улкан тўғон қурилиши учун танланган майдон ер қобиғининг сейсмотектоник ёриғида жойлашган бўлиб, мазкур ҳудудда ер қатламининг силжиши кузатилади ҳамда ювилиб кетиш эҳтимоли кучли бўлган қалинлиги қарийб 100 метрни ташкил этувчи улкан туз қатлами мавжуд.

Табиийки, бундай сабаблар, бошқа кўпчилик сингари, экспертиза ўтказаётган халқаро консорциум мутахассисларида ҳам лойиҳанинг хавфсизлиги борасида жиддий шубҳа уйғотмоқда. Хусусан, тўғон барпо этилиши мўлжалланаётган жой – майдон сейсмотектоник ёриғда, туз қатлами устида жойлашганини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур ҳудуднинг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини текширмасдан туриб у ерда тўғон қуриш ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам мантиққа зиддир. Боз устига, Роғун ГЭСини барпо этиш кўзда тутилаётган зона Рихтер шкаласи бўйича 8-10 балли зилзилалар тез-тез содир бўладиган сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Экспертларнинг бундай асосли ва қонуний талаблари Тожикистон томонидан қўйилаётган турли тўсиқларга дуч келмоқда. Чунончи, Тожикистон томони экспертиза жараёнида разведка бурғилаш ишларини истисно этишга жон-жаҳди билан уринмоқда. Ўз навбатида, бу халқаро консорциум экспертлари билан Тожикистон ҳокимият органлари ўртасида жиддий келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, Тожикистон ҳукуматининг бу борада халқаро консорциум билан тўлиқ ҳамфикр эканига оид баёноти ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Тожикистон саноат ва энергетика вазири Ш. Гулнинг ушбу лойиҳанинг экологик ва ижтимоий экспертизаси натижалари қандай бўлишидан қатъи назар, Тожикистон томони ўзининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича ишларни давом эттириш тўғрисидаги қарорини ўзгартирмаслиги ҳақидаги баёноти оммавий ахборот воситаларида кўп бор эълон қилинди.

Тожикистон раҳбарияти жорий йил охирига қадар тўғон қурилиши учун Вахш дарёсини тўсиш бўйича ишларни бошлашни режалаштираётгани Жаҳон банки мутахассисларига яхши маълум. Яъни, халқаро экспертиза якунланишини кутмасдан, баландлиги 120 метрлик оралиқ тўғонни қуриб битказиш ва шу тарика халқаро ҳамжамиятни танг аҳволга солиб қўйиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Тожикистон ҳукуматининг Роғун ГЭСи ҳудудида ҳозирги вақтда фақат таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда, деган баёноти ҳам ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Акс ҳолда, 2010 йилда "таъмирлаш-тиклаш ишлари" деб аталган ишларга фақат давлат бюджетидан қарийб 150 миллион АҚШ доллари сарфланганини қандай изоҳлаш мумкин? Жорий йилда бундай ишлар учун бюджетдан яна 191 миллион доллар сарфлаш назарда тутилган. Ва, ниҳоят, 2012 йил учун бюджет лойиҳасида ушбу мақсадлар учун 223 миллион доллар ажратиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Роғун ГЭСи майдонида қарийб беш минг киши ишлаётгани ҳам маълум. Таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бу даражада кўп ишчи кучи талаб этилмаслигини барча жуда яхши билади.

Тожикистон ҳукуматининг баёнотида юқорида келтирилган бундай фактлар ҳақида лом-мим дейилмагани, мамлакат раҳбарларининг халқаро жамоатчиликдан бу борадаги ҳақиқий вазиятни яширишга бўлган навбатдаги қайсарона уринишидан ва юз бериши мумкин бўлган ҳалокатли техноген, экологик ва социал оқибатларга қарамасдан Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга ошириш ниятидан қайтмоқчи эмаслигидан бошқа нарса эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тожикистон раҳбариятига йўлланган мустақил халқаро экспертларнинг фикрига қулоқ тутиш ва дунё тажрибасида қурилиши аллақачон тўхтатилган бундай йирик, жаҳондаги энг баланд тўғон барпо этиш ниятидан воз кечиш ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш борасида муқобил манбалар топиш, жумладан, кичик ГЭСлар қуриш хусусидаги баёнот ва даъватлар эътиборсиз қолдирилаётгани афсусланарлидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

БОЛАЛАР СПОРТИ:

МАҲОРАТ, ШИЖОАТ ТАНТАНАСИ

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур". Бу ўз йўлида дадил одимлаётган мамлакатимизнинг одил сиёсати намунасидир. Мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар, янгидан барпо этилаётган спорт иншоотлари бугун ҳар бир гўшада кўзга ташланмоқда. Жумладан, соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган "Умид ниҳоллари", "Олимпиада умидлари", "Қувноқ стартлар", "Соғломжон – полвонжон", "Отам-онам ва мен спортчилар оиласи" каби ўнлаб спорт мусобақаларини айтиш ўринли.

Анжуманда жамғарманинг айни кундаги фаолияти, ўқувчи-ёшларни спортга жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Жамғарманинг минтақавий бўлимлари томонидан 3 минг 244 та спорт тадбирлари ўтказилгани ва уларда 894 мингдан зиёд ёшлар иштирок этганлиги таъкидланди.

Ташкилотда халқаро ҳамкорлик борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, Франциянинг "Association Sports et Loisirs Saint Laurent Blang" (Сент Лорен Блонжи спорт ассоциацияси), Германиянинг Бергиш Гладбах шаҳридаги Рейн гимнастика федерацияси билан тузилган ҳамкорлик битимлари натижаси ўлароқ турли халқаро анжуман ва мусобақалар ўтказилаётир.

"Туркистон-пресс".

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон миллий университетининг маданият саройида "Конституция – ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолатидир" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбир Конституциянинг 19 йиллигига бағишланди. Унда Бош қомусимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги роли ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, тадбирда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" деб номланган янги китобининг мазмун-моҳияти ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Китобдаги давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва истиқлолнинг дастлабки даврида олиб борилган жўшқин ҳамда серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлар ёшларнинг мустақиллик борасидаги билим ва кўникмасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган муҳим вазифалар ва уларнинг ижроси борасидаги масалалар ҳам йиғилганлар диққат-эътиборида бўлди.

"Туркистон-пресс".

ҚАРОР ВА ИЖРО

Тинч, обод ва фаровон юртга байрамлар ярашади, ўз ҳаётидан рози ва мамнун инсонларга унинг шукуҳи татийди. Шу кунларда мустақиллик шарофати билан тикланган муборак Қурбон ҳайити арафасида бу жиҳатлар яна бир карра ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 31 октябрда қабул қилинган "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Қурбон ҳайити мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланади. Бу айём эзгулик, меҳр-оқибат ва саховат тантанаси сифатида тинч-тўкин ҳаётимизни янада зиёда қилиш, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини юксалтиришдек эзгу мақсадларга ҳамоҳангдир.

ШУКРОНАЛИК ВА ЭЗГУ АМАЛЛАР АЙЁМИ

Ҳали иттифоқ қиличининг дами пасаймаган бир пайтда – 1991 йил 20 июнь куни Президентимиз Ислом Каримовнинг "Диний байрам "Қурбон ҳайит"ни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги Фармони қабул қилиниши миллатимиз тарихи, тақдири, қадри ва қадриятларига дахлдор бу муборак айёмнинг катта маънавий жасорат билан яна халқимизга қайтарилгани ифодаси бўлди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти ташкил этилди. Бундан ташқари, бир нечта ўрта махсус диний билим юртлари очилди. Уларда ёшларимизга замон талаблари ва миллий қадриятларимизга мос тарзда диний ва дунёвий билим берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 май куни қабул қилинган қарорига асосан ташкил этилган Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий халқаро марказида юртимиздан етишиб чиққан алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, диний ходимларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилди.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида Имом Бухорий, Исо Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби ислом дини ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган улуғ аллома ва азиз-авлиёларимизнинг номи тикланди, меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш йўлга қўйилди, уларнинг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам бу борадаги кенг кўламли эзгу саъй-ҳаракатларнинг халқаро эътирофидир.

– Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсинки, истиқлол туфайли халқимиз эмин-эркин ибодат қилиш бахтига муяссар бўлди, хонадонларимизга тинчлик, дастурхонларимизга тўкинлик, файзу барака инди, – дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдулазиз Мансур. – Конституциямизда эътиқод эркинлиги кафолатланди, барча миллий ва диний қадриятларимиз тикланди, ҳар йили беш мингдан зиёд ҳамюртимиз исломнинг асосий арконларидан Ҳаж ибодатини, минглаб ватандошларимиз Умра зиёратини адо этишга муяссар бўлмоқда.

Ҳайит куни қилинган хайр-саховат инсоннинг ўз қадрини ўзгаларга бўлган ҳурмати билан бир қаторга қўйишдир. Бунинг савобини Алишер Навоий "Каъба вайрон бўлса, уни обод қилиш" билан тенг кўраркан, саховат инсоният боғининг серҳосил дарахти, балки шу дарахтнинг фойдали мевасидир, дейди. Чиндан ҳам муҳтожларнинг оғирини енгил қилган инсон икки дунё саодатига мушарраф бўлади.

Байрам тадбирларини ташкил этишда мамлакатимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари фаол иш олиб бормоқда.

Байрам кўчаю маҳалла, хонадону кўнгиллар ободлиги билан янада файзлидир. Қурбон ҳайити байрами арафасидаги ҳашарлар, байрам куни дилдан айтилган эзгу тилаклар ва ўзаро улашилган таомлар – халқимизнинг асрлар оша бирбирига елкадош бўлиб яшаб келаётгани ифодасидир. Буларнинг барчаси мустақиллигимизни, инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик ва бирдамлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

У. ЁҚУБОВ, ЎзА мухбири.

МАҲАЛЛА

ЭЛ СУЙГАН РАИС

Арофат Муҳамедовага маҳалла аҳли "забардаст аёл" дея таъриф бериши бежиз эмас. У ўзининг меҳнатсеварлиги, уддабурон, изланувчан, фидойилиги билан эл назарига тушиб улгурган. Мана ўн йилдирки, у Зангиота туманидаги "Чинор" маҳалласига раислик қилади. Ҳар галги сайловларда маҳалладошлар фақат унга овоз беришади. Раис маҳаллада ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувликни шакллантиргани, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, етимларнинг бошини силашию тўй-томоша, ҳашарларда елкадош бўлиши билан барчага бирдек севимли.

Арофат Муҳамедова халқимизга хос фазилатлар, урф-одат, анъаналар фақатгина маҳалла муҳитида шаклланади деган ақидага амал қилиб яшайди.

Шундан бўлса керак, нафақат ўзи, балки унинг издошлари ҳам туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда фаол.

Бу йил маҳалла маслаҳатчиси Малика Солижонованинг маслаҳатчилар кўрик-танловида 2-ўринни эгаллаши, уларнинг ҳамжиҳатликда фаолият юритганликлари самарасидир.

– Истиқлол йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда, – дейди Арофат Муҳамедова. – Бундан ташқари, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида соҳада олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида бугун ўзини ўзи бошқариш идораси ҳақиқий демократик дарсхона сифатида самарали ишламоқда. Бу борада маҳалла раиси, диний, маърифий, ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар, посбонларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.

Маҳаллага ташриф буюрсангиз, текис, озода, равон кўчаларни кўриб, дил яйрайди. Нур сочаётган ёритгичлар тун қоронғусида кўчаларни чароғон қилади.

Арофат опа раисликка сайланган куниданоқ зиммасидаги масъулиятни ҳис қилиб, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга киришди. 2006-2007 йилларда Навоий, Ф. Хўжаев номли кўчаларга 3 километр узунликда асфальт ётқизилди. Шунингдек, сув танқис жойлар тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бобур 1, Фурқат каби яна 4 та кўчани асфальт қилиш режалаштирилган. 6-мактабгача таълим муассасаси капитал таъмир қилинди.

Бу йил маҳалладаги Ал-Бухорий жоме масжиди қатор тадбиркорлар ва маҳалла аҳли кўмагида 3 миллион сўм сарфлаб, қайта реконструкция қилинди.

– Насиб қилса, А. Темур кўчасига нуроний отахонларимиз учун оталар чойхонасини ишга туширамиз, – дейди раис. – Қиладиган ишларимиз, режалар ҳали кўп. Фаоллар кўмагида астасекин барчасини бажарамиз.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: Арофат Муҳамедова (ўнгда) маҳалла фаоллари Абдулла Сафбоев ва Дилором Ёқутбекова билан суҳбатда.

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ – БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Улар тиббиёт соҳасидаги туб ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 1 июлда имзоланган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари бу йўналишдаги ишларни янги, янада юқори босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент вилоятида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароит яратиш, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш бирламчи бўғин муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан ёшлар ўртасида кенг кўламли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилаётир.

Айни пайтда Тошкент вилоятида 688 мингдан зиёд фертил ёшидаги аёллар истиқомат қилмоқда. Бугунга қадар уларнинг деярли барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди.

– Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги тиббиёт бирлашмалари, поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари қошида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш бўйича махсус штаблар ташкил этилган, – дейди Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Раъно Ҳайитбоева. – Мазкур штабларда барча муаммолар мутаасддилар иштирокида атрофлича ўрганилиб, ҳал этилмоқда. Мамлакатимиздаги етакчи тиббиёт институтлари ва муассасаларининг олимлари, малакали мутахассислари томонидан вилоятнинг барча ҳудудларида туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиклари ўтказилди.

Вилоятда болаларни полиомиелитга қарши эмлаш ишлари режали асосда ўтказиб келинмоқда. Эмлаш ишларининг такроран ўтказилиши полиовирус юқишининг олдини олиш ва болаларда мазкур касалликка қарши мустаҳкам иммунитет пайдо бўлишига ёрдам бераётир.

Фертил ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш, уларни контрацепция воситалари билан таъминлаш, ҳомиладор аёлларни диспансер назоратига олиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мутасадди ходимларнинг масъулиятини кучайтириш, хотин-қизлар ўртасида исталмаган ҳомиладорлик, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, турмуш қураётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни пайтда вилоятда 100 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда "Ёш оила қурувчилар мактаби", "Соғлом турмуш тарзи" каби мавзуларда машғулотлар ўтказилаётир. Шунингдек, ёшлар билан мулоқотлар уюштирилмоқда. Тиббиёт соҳаси мутахассислари иштирокида ўтаётган бундай учрашувларда ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олмоқда.

Аёллар ва болаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида уй бекалари ва оилалар ўртасида турли спорт ўйинлари, маҳаллараро мусобақалар ўтказилаётгани ҳам яхши самара бераётир.

Муҳими, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом фарзандларни камол топтириш, оналар ва болалар саломатлигини асраш фақат тиббиёт ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг асосий вазифаси эканини кўпчилик тобора англаб етмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

АМАЛИЁТ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Тошкентда Гематология ва трансфузиологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда оналар ва болаларда кенг тарқалган камқонлик ҳамда фолат кислотасининг етишмовчилигини камайтиришга қаратилган "Хавфли гуруҳлар орасида темир препарати ва фолат кислотасининг ҳафталик саплементацияси дастури" ҳамда "Унни бойитиш бўйича миллий дастури" самарали амалга оширилаётгани, бу дастур ва лойиҳалар жаҳон тажрибаларига асосланганлиги, у кўпгина мамлакатларда қўлланиб келинаётгани соҳа мутахассислари томонидан таъкидланди.

Шунингдек, қон компонентларини тайёрлаш, хавфсизликни таъминлаш ва аҳолига гематологик ёрдам стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда тиббий муассасаларда қон билан боғлиқ муолажалар давра суҳбатида атрофлича муҳокама қилинди.

"Туркистон-пресс".

ЭҲТИРОМ

ТАБИАТНИНГ АСЛ ШАЙДОСИ

Гўзалликка, эзгуликка ошно қалбли, табиатга садоқатли вилоятимиздан чиққан таниқли ижодкорлардан бири Асад Асил ўзини аввало табиат фарзанди деб ҳисоблайди. Бу инсон умрининг салкам ярим асрини она табиатга меҳр қўйиб, уни ҳимоялашга, улуғлашга, эъзозу муҳофаза қилишга бағишлади.

Алёрлари китобга, заҳматлари ўзи яратган мевали боғларга жон киритди. Кексаликнинг гаштини суришни эл-юрт хизматида юриш деб билди. Нуроний ёшида ҳам қалами ижоддан, қўли меҳнатдан бўшамади. Табиатнинг бағрига сингиб кетсам, дейди-ю, уни юрагига жо қилиб ардоқлайди.

Бўстонлиқнинг гўзал Хондайлиқ қишлоғи Асад Асилнинг асл Ватани, мустақил Ўзбекистон илҳоминнинг қанотлари. Ғайрати жисмига, завқи юрагига сиғмаган ижодкор "бир зум бўлсада, Ватанимни севишдан, уни куйлашдан чарчамадим" дея фахрланади. Дўстлари, ёру биродарлари, мухлислари дийдори истагида ижодий кеча уюштириб, барчани сўлим Хондайлиққа чорлаган Асад Асилов одамларнинг меҳр-оқибати, ширин суҳбатларидан яйраб, ёшариб кетгандек бўлди.

Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, шоир Рустам Мусурмон, республика газеталари муҳаррирлари ҳамда вилоятимизнинг таниқли ижодкорлари Темур Убайдулло, Зарифа Эралиева ва бошқаларнинг самимий дил изҳорлари табиат фарзанди, кўнгил кишиси Асад Асилга улкан маънавий рағбат, куч-қувват бағишлаган бўлса ажаб эмас.

Кечада вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

СУРАТЛАРДА: ижодий кечадан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Учтепа тумани (аввалги Акмал Икромов) тумани ТСРЎИ томонидан 30.10.2000 йилда 01-020534 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "GULNORA VA RAYXON" хусусий корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ТСРЎИ томонидан 02.07.2009 йилда № 0001527 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 446153652) якка тартибдаги тадбиркор Мадиева Кхалида Джурабаевнага тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи (аввалги Бўка агросаноат коллежи) томонидан 2002 йилда Рахимов Муродали Сайдалиевич номига берилган Т № 001138 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "TRITON", зарегистрированный в Чиланзарском хокимияте г. Ташкента (0119300, ИНН 201102135), расположенный по адресу: г. Ташкент, ул. Мукими, 158 возобновляет свою деятельность с 1 ноября 2011 года.

ООО "GLOBAL TRADE" (ИНН 204420624) объявляет об уменьшении уставного фонда с 365 728 335 сум до 335 944 380 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, ул. А. Ходжаева, 2-А или по тел.: 150-83-43, 370-15-00.

Утерянный диплом К 1494821 (реес. № 245), выданный 2009 году Республиканским медицинским колледжом на имя Калназаровой Гўзал Торебоевны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 07.02.2011 йилда № 0512324 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 601003262) якка тартибдаги тадбиркор Рахманбердиев Мансуржон Ходжиакбаровичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "FAVORIT UNIVERSAL SERVIS", зарегистрированное отд. Гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района № 006573-10 от 07.04.2011г. (ИНН 301939388), адрес: Хасанбой 1-массив, ул. Мойкургон, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение учредителя № 2 от 03.11.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел: 755-99-19.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йил 29 майда 004585-11 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ZARA BEST" масъулияти чекланган жамияти норентабеллиги сабабли **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Утерянную лицензию № 001175, выданную Узбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш кумитаси 01.06.2009 году ООО "VOLLI PROJEKT", зарегистрированного в Мирабадском районе г. Ташкента, расположенного по адресу: г. Ташкент, ул. Нукус, 23-а,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

"SARBON MIKROKREDIT TASHKILOTI" МЧЖ (ИНН 207131285) томонидан ҳеч қандай молиявий операциялар амалга оширилмаганлиги сабабли ўз фаолиятини тугатаётганлигини маълум қилади. Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Ойбек кўчаси, 1-уй. Мурожаат учун телефон: (+99895) 177-37-17.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ТСРЎИ томонидан 27.08.2004 йилда № 1557 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 200595766) "ANGREN UY-JOY QURILISH" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ТСРЎИ томонидан 02.03.2009 йилда № 0002671 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 601098042) якка тартибдаги тадбиркор Ортуков Абобакир Авдусадикович номига берилган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянное свидетельство о включении хозяйственного субъекта в государственный регистр предприятий и организаций за номером 2149 от 20.06.2011г., выданный Главным управлением экономики и статистики Ташкентской области РУз на ООО "BENTO-KVARC",

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 2008 йил 13 февралда № 003583-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "JAXON-PROMBIZNES" (ИНН 300718838) МЧЖга тегишли бўлган таъсис шартномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Respublika Mulk markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бекобод шаҳар СИБ томонидан "Бекободсавдо" омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) "М-412 ИЭ" русумли, д/р 11G4538 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.02.2010 й., №850. Бошланғич баҳоси – 537 273 сўм; 2) "Ваз-2101" русумли, д/р 11Q4625 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.04.2009 й., №3276. Бошланғич баҳоси – 1 068 184 сўм; 3) "М-412" русумли, д/р Ж91-91ТШ бўлган, 1971 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.05.2010 й., №5446. Бошланғич баҳоси – 388 894 сўм; 4) "Ваз-968-М" русумли, д/р 11S1813 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 19.03.2010 й., №1618. Бошланғич баҳоси – 174 007 сўм; 5) "Ўаз-452" русумли, д/р 11V9639 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.08.2010 й., №7317. Бошланғич баҳоси – 472 392 сўм; 6) "Газ-24" русумли, д/р 11U7834 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.01.2010 й., №14. Бошланғич баҳоси – 331 317 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 6 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автомототранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РММнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон филиали қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 29.10.2011 йилдаги сонида чоп этилган хабарномадаги Янгийўл тумани СИБ томонидан чиқарилган "Ваз-21063" русумли автотранспорт воситасининг давлат рақами 10W675CA деб ўқилсин. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

"Malakali Rieltor Servis" МЧЖнинг "Тошкент ҳақиқати" 2011 йил 8 октябрдаги 80-сон ва "Истиқбол" рўзномаларининг 2011 йил 7 октябрдаги 40-сонларида чоп этилган хабарномага қўшимча:

"Савдо объекти учун тўлов маблағлари 6 ой мобайнида амалга оширилади".

ПИИ ООО "TOTAL DEVELOPMENT", зарегистрированное Министерством юстиции РУз, от 01.07.2008г. № 894, ИНН 206966458, ОКПО 22104970, в соответствии с решением внеочередного общего собрания участников № 5 от 30.09.2011 года сообщает об уменьшении уставного фонда с 22 536 506,93 до 16 806 000,00 долларов США.

Адрес: г. Ташкент, ул. Миробод, 25, тел.: 256-10-22.

XXI аср ва дунё

ЭРДОҒАН ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКДА АЙБЛАНДИ

Гамбурглик немис адвокатлар Туркия бош вазири Эрдоған ва бир неча юқори лавозимли амалдорларни 2003 йилдан буён давом этиб келаётган можаролар давомида ҳарбий жиноятлар содир этганликда айбламоқдалар.

Ҳуқуқшунослар туркларга қарши курашда вафот этган курдларнинг қариндошлари манфаатларини ифодаламоқдалар. Улар ўз аризаларида маҳбусларни ноқонуний ўлдириш, қийноққа солиш, шунингдек, курд исёнчиларига қарши кимёвий қурол ишлатишга оид ўнта қонунбузарлик ҳолатини кўрсатиб ўтишган. Масалан, адвокатлар прокуратурага топширган маълумотларда келтирилишича, 12 ёшли Уйфур ва унинг отаси Аҳмад Каймазни 2004 йилнинг ноябрида турк полициячилари отиб ўлдиришган. Бу воқеа Туркияда шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди. Аммо, полициячилар ўзларини ҳимоя қилишган, дея оқланди. Ваҳоланки, отабола қуролсиз бўлиб, ҳатто, қаршилик кўрсатишга ҳам қодир эмас эдилар.

Адвокатлар, шунингдек, турк ҳарбийлари 2009 йилнинг 8-15 сентябрида курдлар билан тўқнашув чоғида кимёвий қуролларни қўллашганини ҳам эслатиб ўтишди. Оқибатда курд исёнчиларидан 9 киши қурбон бўлди. Ҳуқуқшунослар буни ҳарбий жиноятчилик деб баҳоламоқдалар. Негаки, Туркия кимёвий қурол тақиқлангани тўғрисидаги 1997 йилдан буён амал қилиб келаётган Конвенция аъзоси ҳисобланади.

НИГОҲ

ҚИРҒИЗИСТОН: ИЖТИМОИЙ ПОРТЛАШ БЎСАҒАСИДА

Нарх-навонинг кўтарилиб бориши, мамлакат иқтисодий аҳволининг беқарорлиги – аҳолини ташвишлантириб келган ва бундан буён ҳам хавотирлантираверадиган ҳақиқий вазият. Бу масалалар бир неча йилдан буён долзарблигича қолиб келаяпти. Республика саноати жуда хароб аҳволда. Ҳозирча фаолият кўрсатиб турган ишлаб чиқаришлар асосан четга хом ашё экспорт қилиш билан банд.

Қайта ишлаш саноати, асбобсозлик, машинасозлик каби бир пайтлар республиканинг фахри бўлган юқори технологияли тармоқлар ҳозир деярли йўқ қилиб бўлинган. Буларсиз давлатнинг иқтисодий мустақиллигини, ҳатто, тасаввур қилиш қийин. Шундан келиб чиққан ҳолда сиёсий мустақиллик ҳам бўлмайди. Ижтимоий-иқтисодий фалажлик аҳоли орасида рўзғори бир қадар бут ўртаҳол одамларнинг кескин камайиб кетишига олиб келди.

Экспертларнинг баҳосига қараганда, 1991 йилда Қирғизистонда ўрта синфга мансуб аҳоли 1,5 миллион бўлса, ҳозир 310 минг кишига тушиб қолди. Бундай вазият жамиятнинг юқори даражада табақаланишига сабаб бўлдики, мамлакатга ижтимоий портлаш эҳтимоли хавф солмоқда. Камбағаллик чегараси ортида яшаётган аҳоли кескин кўпайган бир шароитда жамиятнинг тор доирасидаги бойлар ва оммавий кам таъминланган одамларга табақаланган мамлакатда ички сиёсий тиғизликни янада кучайтирмоқда.

Қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда ишсизликнинг юқори даражада эканлиги, инфратузилманинг хароб бўлгани, тиббий хизмат ва таълимнинг сифати пастлиги ҳеч қандай ижтимоий ҳимоянинг йўқлигига устма-уст қўшилиб, аҳолини муқим яшаб турган жойларини ташлаб кетишга мажбур қилмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, музофотларда яшаётган аҳолининг қарийб учдан бир қисми пул топиш учун мамлакат ташқарисида ишлаяпти. Мамлакатнинг айрим туманларида меҳнатга яроқли бутун аҳоли чет элларга чиқиб кетган.

Қирғизистондаги ички сиёсий беқарорлик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек муҳим соҳада ёмон оқибатларнинг авж олишига сабаб бўлаяпти. Бу эса ўз навбатида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши ва ёнилғи-мойлаш ашёлари танқислигини келтириб чиқараяпти.

Энди Қирғизистон индустриал мамлакат бўлмай қолди. 1980 йилларда республика саноатининг ижтимоий ялпи маҳсулотдаги улуши 55,6 фоиз бўлса, ҳозир бор-йўғи 14 фоиз. Советлар даврида гўшт комбинатлари, шакар, сут, кондитер, нон, консерва заводлари каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ўнлаб корхоналар қурилган эди. Уларнинг кўпи хароб ва талон-торож қилинди. Фақат ярим ҳунармандчилик майда цехлар қолди. Аммо улар ҳам аҳоли эҳтиёжларини қондира оладиган ҳолатда эмас. Экспорт ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Оқибатда ўзини озиқ-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёждаги маҳсулотлар билан таъминлаш учун ҳамма ресурсларга эга бўлган мамлакат ҳозир уларни хориждан келтираяпти. Бу билан республика чет эл ишлаб чиқарувчиларига ҳомийлик қилмоқда, пул маблағлари мамлакатдан ташқарига чиқиб кетаяпти. Агар озиқ-овқат маҳсулотлари импорти аҳоли истеъмол қиладиганининг 15-20 фоизидан ошса, давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг иложи қолмаслиги аллақачон ҳисоблаб чиқилган. Қирғизистонда эса бу муҳим кўрсаткич 50 фоиздан ҳам ошиб кетган. Айрим маҳсулотлар (масалан, шакар, балиқ ва балиқ маҳсулотлари) бўйича эса, 100 фоизга яқинлашди.

Ҳукуматнинг етарли эътибор бермаётгани натижаси ўлароқ, бу йилги дала ишлари мавсуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар учун жиддий қийинчиликлар билан кечмоқда. Бу ҳам озиқ-овқат хавфсизлигига акс таъсир қилиши табиий. Чунончи, мамлакат фермерлари дала ишларига керак бўладиган дизель ёнилғиси билан эҳтиёжига нисбатан 62 фоиз таъминланаяптилар. Ёнилғи, уруғлик ва кимёвий ўғитлар етишмаслигидан қишлоқ хўжалиги қаттиқ жабр чекиши мумкин. Республикага четдан келтириладиган нарсалар ўз вақтида етказиб берилмаслиги оқибатида юз минглаб гектар ерлар экин экилмай қолиб кетиши кучайиб бораяпти. "Бундай чала-чулпа ишлар мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига кучли зарба бўлиб тушиши мумкин" дейишмоқда айрим фермерлар. Россия ҳукуматининг нефть маҳсулотларини экспорт қилишни вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги қарори шундоқ ҳам чигал вазиятни баттар ёмонлаштириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Зеро, Қирғизистон ёнилғи-мойлаш ашёларини юз фоиз четдан олади.

БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури маълумотларига кўра, Қирғизистоннинг 1,4 миллион аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслигини бошдан кечирмоқда. Яна 2 миллион киши сифатсиз озиқ-овқатларни истеъмол қилишга мажбур. Кейинги йилда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 100 дан 350 фоизгача кўтарилди. Масалан, буғдойнинг нархи – 150, гуруч – 100, ўсимлик ёғи – 160 фоиз ошди.

Мамлакат раҳбарлари одамларни ишонтиришга уринаётганларидек, гап жаҳон молия-иқтисодий таназзулида эмас. Агар республиканинг кенг тармоқ отган ва диверсификацияланган саноатини хароб қилишмаганда, агар қишлоқ хўжалигини сунъий тарзда жарга қулатмаганда, ўша таназзул оқибатлари бу қадар зарарли бўлмасди (балки, умуман таъсир қилмасди).

Талант МАМИРКАНОВ.
«Белый Парус», интернет-газетаси.

ШАҲАР ҲОКИМИ ОТИБ ЎЛДИРИЛДИ

Мексиканинг Ла-Пьедад шаҳри ҳокими Рикардо Гусман сайловолди компанияси жараёнида отиб ўлдирилгани ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги.

Ҳокимни Мексика президенти Филипе Кальдеронинг Мичоакан штати губернаторлигига номзодини қўяётган синглиси Луис Мария Кальдерон фойдасига тарғибот-ташвиқот олиб бораётган пайтда отиб кетишган. Прокуратура вакилининг сўзларига қараганда, 45 ёшли Гусман тарғибот материалларини тарқатаётган вақтда унинг ёнига "Жип" машинасида келиб, ўқ узишган. Сиёсатчи шу жойнинг ўзида вафот этган. Бундай ҳужумга нима сабаб бўлгани номаълум.

Рикардо Гусман 2011 йилда ўлдирилган Мексика шаҳарлари ҳокимларининг бешинчиси бўлди. Ўтган йилга нисбатан ҳокимлар ўлими икки баравар қисқарди. Бу қотилликларнинг кўпи давлат ва наркокартеллар ўртасидаги кураш билан боғлиқ. Бу кураш Кальдерон 2006 йилда ҳукумат тепасига келгандан сўнг фаоллашди.

Reutersнинг маълумотларига кўра, 2007 йилдан буён Мексикада полиция ва гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан шуғулланувчилар ўртасидаги, шунингдек, наркокартелларнинг ўзаро қуролли тўқнашувлари давомида 45 мингдан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ЭШКАК ЭШИШ

Жанубий Кореяда академик эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар бир олтин, уч кумуш ва икки бронза, жами олтита медални қўлга киритди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАН ОЛТИ МЕДАЛЬ

Ўсмирларимиз қайд этган кўрсаткичлар мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётганини кўрсатди. Айниқса, тўртликлар ўртасидаги пойгада Абубакр Узоқбоев, Зафар Усмонов, Абдурасул Муҳаммадиев ва Эрназар Ҳамидуллаев кўрсатган юқори натижа мухлису мутахассисларимизни хушнуд этди. Мазкур тўртлик Осиё чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси етакчиси Абубакр Узоқбоев яккалик беллашувларида маррага иккинчи келиб, кумуш медалга ҳам эга бўлди. Эрназар Ҳамидуллаев ва Зафар Усмонов икки кишилик қайикда ўтказилган баҳсларда шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Осиё чемпионатининг катталар ўртасидаги мусобақаларида тажрибали спортчиларимиздан Руслан Наурзалиев ва Вячеслав Дидрих жуфтликлар баҳсида иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир кумуш медаль яккаликлар пойгасида маррага иккинчи келган Артём Кудряшовга насиб этди. Хотин-қизлар мусобақасида Наталья Богитова бронза медаль билан кифояланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

МИНИ-ФУТБОЛ

АЁЛЛАР ТЎП СУРГАНДА...

Касаба ташкилотлари меҳнат жамоаларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини кучайтиришга алоҳида эътиборни қаратмоқдалар.

– Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишлаб ишловчи аёллар ўртасида мини-футбол мусобақасини ўтказишга қарор қилди, – дейди кенгаш маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Мирзакарим Худдиев. – Мусобақалар икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда ҳудудлар бўйича ғолиблар аниқланади. Бу ўйинлар тўртта гуруҳ бўйича Зангиота тумани, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларида ўтказилиб, ғолиблар якуний босқичда Чирчиқ шаҳар Олимпия захиралари спорт коллежи мини-футбол майдонида биринчилик учун курашадилар.

Шу кунларда вилоят меҳнат жамоаларида биринчи гуруҳ мусобақаларига тайёргарлик кўрилаётир. У Эшонгузар шаҳарчасидаги мини-футбол майдонида ўтади. Бу мусобақаларда касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси, таълим ва фан ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вилоят кенгашлари, Оққўрғон, Янгийўл, Зангиота туманлари аёл спортчилари ўзаро куч синашишади.

Жўрабек МУРОДОВ.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

«ЭРИНЧОҚЛИК» ОҚИБАТИ

Донолар "Чиқаси келса, эгаси сабабчи" дейдилар. Собитхон Аббосов ҳам бу ҳақиқатни пешонаси тақ этиб деворга урилганидан кейингина тушуниб етди. Бўлмаса, юраверарди тижорат тартибларини чакана-чукана бузиб, бепарво-лоқайд бўлиб. Шу эринчоқлиги туфайли бугун бор будидан ажралиб ўтирибди...

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг шу йил 18 август куни судья М. Хўжаева раислигида ўтган очиқ суд мажлиси ҳукми билан танишиб чиққач, юқоридаги сингари фикр-мулоҳазалар хаёлимиздан ўтди. Гап шундаки, Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза мавзеси, Жиззах тор кўчасидаги 47-А уйда яшовчи бу йигит фарзандларига тижоратчилик орқали ризқ-рўз топарди. У Зангиота туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш нозирлигида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, Эркин қишлоғидаги "Илм шуъласи" масъулияти чекланган жамиятига қарашли бозордан шартнома асосида жой олиб, савдо-сотиқ билан шуғуллана бошлаганига олти йилдан ошди. Ҳаммаси рисоладагидек кетаётган, тижорати барқарорлашиб, оиласида тўрт фарзанднинг эгни бут, қорни тўқ яшаётганди. Бора-бора бир текис ўтаётган кунлар уни эринчоқ, кундалик майда-чуйда камчиликларга бепарво қилиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Биласиз, тижорат ишида нима кўп "майда-чуйда" юмушлар, вазифалар, бурчлар кўп. Улардан бири харидор билан ҳисоб-китоб қилинган вақтда у узатган пулни дарҳол назорат-касса машинаси хотирасига киритиб, мижозга харид чеки бериш. Эндигина қирқ ёшга кириб, ақл-идроки чархланган Собитхон тушмагур айни шу талаб-қоидани ҳардамхаёллиги, эринчоқлиги боис гоҳ-гоҳ бузадиган одат чиқарди. Охири арзимаган миқдордаги савдо тушумини назорат-касса машинаси хотирасига киритишга эринчоқлик қилиб, қаттиқ панд еди, пешонаси деворга урилди.

Буни Собитхон Аббосовнинг ўзи судда рўй-рост тан олди.

– Пешинга яқин дўконни ёпиб, овқатланишга тараддудланиб турган эдим, – деди у судда. – Соат ўн икки яримларда бир харидор бир дона ён дафтар беришни сўраб қолди. Илтимосини бажариб, ундан ён дафтар ҳақи – 2 минг сўм пулни олдим. Тушлик вақти яқинлашгани учун НКМни ёпиб бўлганлигим сабабли савдо тушумини пешиндан кейин унинг хотирасига киритмоқчи бўлдим. Бўлган гап шу...

Ҳа, бўлган гап шу. Лекин унинг оқибати яхши бўлмади. Шу эринчоқлиги оқибатида молининг "чиқаси" келди, жўжабирдай тўрт фарзанднинг ризқи ҳам тузуккина қийилди. Ҳалиги "харидор"ни текширувчилар киритишган экан. Шу пайт солиқ идораси ходимлари пайдо бўлишди. Савдо тушуми НКМ хотирасига киритилмагани, ён дафтар учун тўланган пулга харид чеки берилмаганлигини кўрсатиб, холислар иштирокида далолатнома тузиб, юз берган ҳодисани расмийлаштиришди. Кейин росмана текширишни бошлашди. Қисқа муддатли текширув жараёнида Собитхон Аббосовнинг "эринчоқликлари" оқибатида келиб чиққан бошқа қонунбузилиш ҳолатлари ҳам ойдинлаштирилди. Чунончи, дўкон ғазнасида шу кунги 211,8 минг сўм савдо тушуми мавжудлиги, бу пуллар НКМ хотирасидаги маблағ билан солиштирилганида, жами 9 минг (?) сўм кирим қилинмаганлиги аниқланди.

Бир эринчоқлик оқибатини ўрганиш натижасида бошқа камҳафсалаликлар асоратги ҳам қалқиб чиқа бошлади.

Табиийки, солиқчилар шу куни савдога қўйилган 4 миллион 632,6 минг сўмлик канцелярия товарларига тегишли ҳужжатларни сўрашди. Собитхон тушмагур бу илтимосни қаноатлантира олмади.

– Бу молларни шу бозорнинг ўзида нотаниш бир тижоратчидан арзонроқ нархларда нақд пулга сотиб олган эдим, – деди у судда.

Солиқчилар бу ҳолатни ҳам ҳужжатлаштириб, ҳужжатсиз товар-моддий бойликларни далилий ашё сифатида олишди. Табиийки, шундан кейин текширувчилар тижоратчининг 2007 йилдан 2011 йилнинг июлигача бўлган муддатдаги фаолиятини ҳам ҳужжатлар асосида текшириб чиқишди. Бу жараёнда Собитхоннинг "эринчоқликлари" оқибатида ўтган йиллар мобайнида савдодан тушган 4 миллион 55,5 минг сўм маблағ НКМга кирим қилинмаганлиги аниқланди.

– Мол олиш учун нақд пул керак бўлиб қоларди, шунда кундалик тушумдан бир қисмини ишлатардим, – деди у суд мажлисида бу ҳолатни изоҳлаб. – Кейинчалик уларнинг ўрнини тўлдириб қўйишни ўйлардим. Лекин уддасидан чиқа олмасдим...

Ҳа, айнан шу эринчоқлик қусури Собитхоннинг охир-оқибат суд залида жавоб беришига сабаб бўлди.

Дарвоқе, солиқчилар далилий ашё сифатида олинган товар-моддий бойликлар қийматини баҳолашни "NUR IXLOS-BAHO" масъулияти чекланган жамиятига тавсия этишди. Унинг хулосасига кўра, 30 турдаги бу канцелярия товарларининг умумий қиймати 5 миллион 215,2 минг сўм эканлиги аниқланди. Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази эса шу молларнинг 659 минг сўмлик қисми меъёрий ҳужжатлар талабларига номувофиқлиги ва фойдаланиш учун яроқсизлиги ҳақида экспертиза хулосаси берди.

Суд гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, далилий ашёлар юзасидан экспертиза хулосалари ва бошқа ҳужжатларни ўрганиб, хусусий тадбиркор Собитхон Аббосовни савдо қоидаларини бузганлик, тушган пулларни назорат-касса машинасига тўла кирим қилмаганлик, нақд пул айланишини бартараф этишга доир меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этмаганликда айбли деб топди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддаси 2-қисми билан унга энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик баравари миқдорида – 7 миллион 460 минг 250 сўм жарима жазоси тайинлади. Далилий ашё сифатида олинган товарларнинг 4 миллион 555,6 минг сўмлик қисми давлат эгалигига ўтказилди, умумий қиймати 659,6 минг сўмлик қисми эса яроқсизлиги учун йўқ қилинди.

Қиссадан ҳисса шуки, фарзандлари ҳаёти, оиласи таъминотини ўйлаб, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган Собитхон Аббосовга "эринчоқлиги" панд берди. Яхшиямки тўрт фарзанднинг таъминотини, жазони енгиллаштирувчи бошқа жиҳатларни суд эътиборга олди, уни савдо-тижорат билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмади. Шоядки, юз берган ҳодиса унга сабоқ бўлса, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига ортиқ бефарқ бўлмаса, "эринчоқлик" иллатидан қутулса. Шунда рўзғори бут, фарзандларининг ризқи бутун бўлишини чуқур идрок этса...

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан 2010 йил 20 августда № 004511-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "OMAD MEGA NET" МЧЖ (ИНН 301683867, ОКОНХ 84200) ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ.**

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 645-00-07 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

"BARAKA MUSLIMA" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилишини маълум қилади.

ООО "EMIN-ISKANDER", зарегистрированное отд. Гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. А. Каххара, 49, (ИНН 207098500, ОКПО 23421773), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 04.11.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 700-89-05.

ООО "SUNNATILLA SIROVAR", зарегистрированное отд. Гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г. Ташкента, расположенное по адресу: 2-пр ул. Обирахмат, дом 23, (ИНН 301177134, ОКПО 22714958), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 04.11.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 154-87-02.

«ВАТАНПАРВАР»ДА ИШЛАР ҚИЗҒИН

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бекобод шаҳар кенгаши истиқлолнинг 20 йиллигига бағишлаб "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича "Мустақиллик кубоги" мусобақаларини ўтказди. Шунингдек, шахмат-шашка бўйича "Камолот кубоги" турнири ҳам ташкил қилинди.

Ғолиблар ва энг яхши қатнашчилар "Ватанпарвар" ташкилотининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, спорт-техника клуби иштирокчилари пневматик қуролдан ўқ отиш ва ёзги биатлон бўйича вилоят биринчилигида қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритишди. Шундай ютуқларга эришишда "Ватанпарвар" ташкилотининг "Камолот" ҳамда ўқув юртлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани яхши самара бераяпти.

Ташкилот фаолиятида "В", "ВС" тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳозиргача 24 та гуруҳда машғулотлар олиб борилиб, 18 та гуруҳ қатнашчилари ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишди.

Ўқув-синф хоналари замонавий талаблар асосида жиҳозланган. Ҳозиргача учта юк автомашинаси, 3 та "Тико" ҳамда 2 та "Матиз" русумли автомобиллар ўқув машғулотига жалб этилган. Яқинда автомобиль парки яна битта янги "Матиз" русумли автомобиль билан тўлдирилди.

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ҳудудимизда катта ободончилик ишларини олиб бордик, – дейди ташкилот раҳбари Зафар Деҳқонов. – Имкониятимиздан келиб чиқиб аҳолининг ночор қатламларига, ҳудудимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинига, ташкилот оталиғидаги фахрийларга, ёрдамга муҳтож фуқароларга моддий кўмак бердик.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимияти томонидан 2010 йил 6 декабрда № 004081-01 реестр рақам билан рўйхатга олинган "BOTIR-SARVAR SAVDO" ХК (ИНН 301749466, ОКОНХ 71280) ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ.**

Даъво аризалари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани, Дилноз 5-тор кўчаси, 1-уйда қабул қилинади.

Утерянный аттестат № 000251, выданный 19.06.1993 году школой № 171 Мирзо-Улугбекского района на имя Клоковой Нине Анатольевне, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2010 йил 5 мартда № 003606-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "FAST NET" (ИНН 301528456 ОКОНХ 82100) масъулияти чекланган жамиятининг бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

РАССОМ ХАНДАСИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1142. Адади 6564. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 12345